

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ҳамда
Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистон
Республикасидаги ваколатхонаси ўртасидаги ҳамкорлик**

МЕМОРАНДУМИ

Ушбу ўзаро ҳамкорлик Меморандуми (кейинги ўринларда “Меморандум” деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (кейинги ўринларда “Вазирлик” деб аталади) ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси (кейинги ўринларда “Жамғарма ваколатхонаси” деб аталади) ўртасида тузилди (биргаликда “Томонлар” деб аталади).

Вазирлик ва Жамғарма ваколатхонаси ўртасида ўзаро манфаатли масалалар бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро алоқаларни ривожлантириш мақсадида Томонлар қуйидагиларга келишдилар:

1-модда

Томонлар белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида маслаҳатлашувлар ўтказди, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича ҳамкорликни кенгайтиради, илғор жаҳон тажрибаларини ўрганади, миллий ва халқаро семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказди.

2-модда

Томонлар ҳамкорликда миллий ва халқаро даражадаги турли илмий-амалий тадбирларни, шу жумладан, форумлар, конференциялар, семинарлар ўтказдилар ҳамда иштирок этадилар. Шунингдек, ўзаро манфаатли масалаларни муҳокама қилиш учун етакчи хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказдилар.

3-модда

Томонлар аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, меҳнат бозорида хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги масалалари, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни қўллаб-қувватлаш, ташқи ва ички миграция масалалари, мажбурий меҳнатга барҳам бериш, ёшларни

касбларга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлашда билим ва кўникмаларини ошириш борасида режалар ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

4-модда

Томонлар фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича лойиҳалар, дастурлар ва стратегияларни ишлаб чиқадилар ҳамда амалга оширадилар. Жумладан, тадқиқотлар ўтказадилар, илмий-услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар ва рисоалар чоп этадилар.

5-модда


Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ушбу Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш ёки қўллашда келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, томонлар уларни маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қиладилар.

6-модда

Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва икки йил давомида амал қилади. Кейинги икки йил учун автоматик равишда узайтирилади. Агар бирон бир Томон Меморандумни бекор қилмоқчи бўлса иккинчи Томонга уни бекор қилиш тўғрисида тегишли муддат тугашидан бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради.


Ушбу Меморандум 2021 йил 5 мартда Тошкент шаҳрида ўзбек тилида иккита асл нусхада тузилган.

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик
ва меҳнат муносабатлари
вазир**



Н. Хусанов

**Германиянинг Конрад Аденауэр
жамғармасининг Ўзбекистон
Республикасидаги ваколатхонаси
раҳбари**



Р. Хайне